НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

ҚМҚ 1.03.04-97

Расмий нашр
(Ўзбекча-русча)

Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Қурилиш Қўмитаси

Тошкент 1997

УДК .721.012(083.13)
ҚМҚ 1.03.04 - 97 "Намунавий лойиҳалашга доир йўриқнома
(ЎзР Давархитектқурилишқўм - Тошкент), 1997, 19 бет

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ ВА ТАҚДИМ ҚИЛУВЧИ: ЎзЛИТТИ АЖ (мавзу раҳбари- мух. Б.В.Фарсиян, т.ф.н. С.А.Хўжаев, мух. Л.А.Мухамедшин, т.ф.н. А.М.Комилов, мух. Л.Е.Горлицкий, В.Я. Оленец).

МУХАРРИРЛАР: Т.Н.Набиев, Ф.Ф.Ғиркхонов (ЎзР Давархитектқурилишқўм), С.А.Хўжаев, Л.А.Мухамедшин, А.М.Комилов, Б.В.Фарсиян, Л.Е.Горлицкий, И.Е Вуколова (ЎзЛИТТИ АЖ).

Тасдиқлашга ЎзР Давархитектқурилишқўмининг лойиҳа ишлари бошқармаси томонидан тайёрланган (Д.А.Ахмедов).

ҚМҚ 1.03.04 - 96 "Намунавий лойиҳалашга доир йўриқнома" кучга кирганидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СН 227 - 82 "Намунавий лойиҳалашга доир йўриқнома" ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг рухсатисиз тўла еки қисман чоп қилиниши, тарқатилиши, кўпайтирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Даврархитектқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 1.03.04-97
	Намунавий лойиҳалашга доир йўриқнома	СН 227 - 82 ўрнига

I. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1. Мазкур Йўриқнома корхоналар, саноат, транспорт, алока, кишлоқ ва сув хўжалиги бино ва иншоотлари, уй-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуриш буйича намунавий лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш, мақбуллаш, мутахассис назоратидан утказиш тасдиқлаш, чоп этиш, тарқатиш, қўлланиш, қайта қуриш ва бекор қилишга доир тартибларни урнатади.*

1.2. Намунавий лойиҳалар, бино ва иншоотлар алоҳида қисмларининг намунавий лойиҳавий ечимлари, намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари, намунавий лойиҳа хужжатлари сирасига кириб, уларни андозалаштириш хақидаги қарор техник-иктисодий асослашлар еки бошқа мулохазаларга кура қабул қилинади.

Намунавий лойиҳалар ҚМҚ 1.03.01 - 96 "Корхоналар, бинолар ва иншоотларнинг лойиҳа-смета хужжатлари таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, мақбуллаш ва тасдиқлашга доир йўриқнома" ҳамда мазкур йўриқнома талабларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади.

Намунавий лойиҳалар яратиш хуқуки етакчи ва ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотларига берилади.

1.3. Намунавий лойиҳалар такроран қуриладиган ишлаб чиқариш бинолари ва ёрдамчи иншоотлар, мунтазам технологияга эга бўлган бутун корхоналар, шунингдек уй-жой, жамоат бинолари ва иншоотлари, кишлоқ хўжалиги объектлари қурилишида кўп м..ротаба фойдаланиш учун ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқариш технологияси тез-тез узгариб турадиган, аммо қатор такрорланувчи қурилиш ва технологик ечимга эга бўлган корхоналар қурилиши учун қурилиш-технологик секция, блок-секция, технологик йўллар ва бошқалар буйича намунавий лойиҳавий ечимлари ишлаб чиқилиши лозим.

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари бино ва иншоотларини лойиҳалаш ва қуришда, шунингдек, конструкция ва буюмларнн куплаб тайёрлашда кўп маротаба қўлланиладиган қилиб ишланиши зарур.

---

* корхоналар,саноат,транспорт,алока,кишлоқ ва сув хўжалиги бино ва иншоотларини, уй-жой ва жамоат биноларини лойиҳалаш ва қуришда қўлланиладиган намунавий лойиҳа хужжатлари бундан буён: "намунавий лойиҳа хужжатлари", деб юритилади.

Х. Асомов номидаги ЎзЛИТТИ акционерлик жамияти томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 1996йил 13 август № 6. буйруғи билан тасдиқланган	Амалга киритилиш санаси 1 январь 1997 йил

Расмий нашр

1.4. Белгиланган тартибда тасдиқдан ўтган, лойиҳалаштириладиган объектларнинг йиллик рўйхати намунавий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда асос вазифасини ўтайди.

1.5 Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимлари бир ва икки босқичда ишланади:

- техника жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган корхоналар, бинолар ва ин-шоотларнинг ишчи лойиҳаси смета билан биргаликда бир босқичда;

- техника жиҳатидан мураккаб бўлган корхоналар, бинолар ва иншоотлар қийматининг смета ҳисоби, бажарилган лойиҳа ва смета билан бирга ишчи ҳужжатлар - икки босқичда ишланади.

Бино ва иншоотларнинг намунавий лойиҳаларига киритиладиган тузатишлар уларнинг ишчи ҳужжатлари - бир босқичда бажарилади.

Меъморий - режавий ечимларга аниқлик киритиш учун лойиҳадан аввалги босқичда қоралама лойиҳалар ишланиши мумкин.

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари ҳам бир ва икки босқичда ишланади:

- конструкция, буюм ва тугунларнинг номенклатураси ва қўлланиш соҳаси аниқ бўлиб, вариантлар бўйича ишлаш талаб этилмаса, ишчи чизмалар - бир босқичда;

- номенклатураси ва рационал қўлланиш соҳасини аниқлаш, шунингдек вариантлар бўйича ишлаш талаб этилса (мутлақо янги конструктив ечимлар учун), техникавий ечим ва ишчи чизмалари - икки босқичда амалга оширилади.

Намунавий лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашдаги босқичлар сони объектларни лойиҳалаштиришнинг йиллик рўйхатида кўрсатилади.

1.6. Намунавий лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш энг мақбул ечимни танлаш имконини берадиган кўп вариантли услубга асосланиши лозим.

Зарур бўлган ҳолларда, ишлаб чиқиш топшириғига мувофиқ равишда, намунавий лойиҳа ҳужжати қурилишнинг маҳаллий шароитини, турли конструктив ечимларни ҳисобга оладиган бир қанча вариантларда ишланиши лозим.

Халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган муҳим объектлар, шунингдек алоҳида технологик, конструктив, меъморий ва бошқа ечимлар бир қанча вариантларда ишланиб, танлов асосида қабул қилиниши мумкин.

1.7. Мутахассис текшируви ва тасдиқлаш учун тақдим этиладиган намунавий лойиҳа ҳужжати майда изоҳларсиз, қабул қилинадиган ечимни асослаш, ишлар хажмларини, смета қийматини, жиҳозларга, конструкцияларга ва материалларга бўлган талабни аниқлаш учун етарли бўлган қисқа хажм ва таркибга эга бўлиб, мазкур йўриқноманинг 3 қисми талабларига мос равишда ишланиши зарур.

1.8. Намунавий лойиҳа ҳужжатларида ихтиролардан фойдаланилса, лойиҳанинг ўша қисмидаги изоҳномада, ихтиро учун берилган муаллифлик гувоҳномасининг тартиб рақами кўрсатилиши лозим.

1.9. Лойиҳа ишларини бажаришда замонавий иқтисодий-математик усуллардан, ҳисоблаш ва ташкил этиш техникасидан, шунингдек бошқа илғор усул ҳамда ишлаб чиқиш, кўпайтириш, сақлаш ва лойиҳавий материалларини излаш, лойиҳалаштириш муддати ва харажатларини қисқартириш, лойиҳа ташкилоти ходимларининг меҳнат унумдорлиги ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифатини ошириш имконини берадиган техник воситалардан фойдаланиш зарур.

1.10. Намунавий лойиҳа ҳужжатларининг буюртмачиси, мулкчилик шаклидан қатъий назар, вазирликлар, идоралар ва юридик шахслар бўлиши мумкин.

Намунавий лойиҳавий ишларининг моддий таъминоти маркалла-

штирилган маблаг (бюджет) ёки вазирликлар, идоралар ва бошқа юридик шахслар маблағи ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

1.11. Намунавий лойиҳа ҳужжатлари бир неча ташкилотлар томонидан тайёрланса,буюртмачи етакчи лойиҳавий ташкилоти ва ҳамижрочиларни - лойиҳавий ҳужжатининг тегишли қисмларини бажарадиган, ихтисослашган ташкилотларни белгилайди.

Саноат объектларининг намунавий лойиҳаларини (лойиҳавий ечимларини) ишлашда етакчилик вазифаси-технологик ечимлар устида ишлайдиган лойиҳа ташкилотига;

-уй-жой ва жамоат бинолари лойиҳалашда - шу объект бўйича асосий лойиҳа ишларини бажарувчи ташкилотга;

-намунавий қурилиш конструкциялари,буюмлари ва тугунларининг чизмаларини тайёрлашда - шундай конструкцияларни лойиҳавийлаштиришда катта тажрибага эга бўлган ташкилотга юкланади.

Етакчи лойиҳа ташкилотлари ва уларнинг ҳамижрочилари лойиҳалаштириладиган объектларнинг йиллик рўйхатида кўрсатилади.

1.12. Етакчи лойиҳавий ташкилоти ҳамижрочи ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштиради, намунавий лойиҳавий ҳужжатларини мутахассислар текширувига ва тасдиқлашга ҳавола этади ҳамда нашр этиш ва тарқатиш учун намунавий лойиҳа ҳужжатлари фондига* топширади.

1.13. Етакчи лойиҳавий ташкилоти лойиҳалаштирилаётган ҳар бир корхона, бино ва иншоот учун лойиҳанинг бош мухандиси ёки бош архитекторини тайинлайди.

Лойиҳанинг алоҳида қисмини лойиҳалаштирилаётган ихтисослашган лойиҳа ташкилоти, лойиҳанинг шу қисми учун бош мухандис ёки бош архитектор тайинлайди.

Лойиҳанинг бош мухандиси(бош архитектори) Ўзбекистон Республикаси Даваархитектқурилишқўми томонидан тасдиқланган бош мухандис (бош архитектор) ҳақидаги Низомда кўзда тутилган тартибда иш юритади.

1.14. Намунавий лойиҳа ҳужжатининг буюртмачиси, етакчи лойиҳа ташкилотининг ва ҳамижрочи ташкилотларнинг директорлари ва бош мухандислари, лойиҳавийнинг бош мухандиси ва бош архитектори мазкур ҳужжатни бутун лойиҳалаштириш даврида ва ундан кейинги қўлланиш мобайнида унинг сифати, ўз вақтида ишланиши, ишланаётган ҳужжатларнинг бутлиги ҳамда белгиланган тартибга кўра ва КМК 1.03.01-96 нинг 1.13 бандига мувофиқ равишда алмаштириш ва қайта ишлаш учун масъулдирлар.

Намунавий лойиҳа ҳужатини ишлашда лойиҳавий ишлари сметаси К = 1,4 коэфициент билан тузилади.

Намунавий лойиҳа ҳужжатининг буюртмачиси лойиҳавий ташкилотига бериладиган вазифани ўз вақтида тайёрлаш,тасдиқлаш ва топшириш учун вазифада келтирилган техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг прогрессивлиги ва асосланганлиги учун, шунингдек бу ҳужжатни ўз вақтида тасдиқланиши учун масъулдир.

Лойиҳа ташкилоти лойиҳалаштирилган объектларнинг ишончлилигига, хавфсизлигига кўпга чидамлигига, атроф табиат муҳитини ва меҳнаткашлар соғлиғини муҳофаза қилиш учун қўлланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва мукаммаллигига, намунавий лойиҳавий ҳужжатини ишлашда ва қўлланишда мазкур йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг талабларига амал қилинишига масъулдир.

---

* Намунавий лойиҳа ҳужжатлари фонди,бундан буён "фонд" деб юритилади

Илмий-тадқиқиод ташкилоти лойиҳалаштириш учун берган дастлабки маълумотларининг янги технологик жараёнлар, ускуналар ва материалларнинг илғор илмий-техника тараққиёти даражасига мос келишига масъулдир.

Намунавий лойиҳа ҳужжатининг сифати ва баёнининг яхлитлигига ҳамда уни, мазкур Йўриқноманинг талабларига мувофиқ, бутунлигича расмийлаштиришига етакчи лойиҳавий ташкилоти масъулдир.

Ҳам ижрочи лойиҳавий ташкилоти, ўзи тайёрлаган материалнинг сифатига жавоб беради.

2 НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАВИЙ ҲУЖЖАТИНИ ИШЛАШ ВАЗИФАСИ

2.1. Намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш вазифаси етакчи лойиҳа ташкилоти, зарур бўлган ҳолларда, ҳамижрочи - илмий-тадқиқод, конструкторлик ва лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда буюртмачи томонидан тузилади.

2.2. Намунавий лойиҳавий ҳужжатларини ишлаш учун бериладиган вазифада янги техника ва илғор тажрибани жорий этиш, қурилишнинг материал ва меҳнат талаблилигини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш;ҳом ашё, моддий ва энергетик ресурслардан тежаб фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва иккиламчи энергия ресурсларидан қайта фойдаланиш бўйича талаблар, шунингдек лойиҳалаштириладиган корхона, бино ёки иншоотнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари белгилаб қўйилиши зарур.

Намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш учун бериладиган вазифанинг мазмунига қўйиладиган умумий талаблар мазкур йўриқноманинг 1,2 ва 3- иловаларида келтирилган.

2.3. Намунавий лойиҳа (намунавий лойиҳа ечимлари) ишлаш учун берилган вазифада қурилиш шароитига доир маълумотлар (иқлим шароити, грунтлар ва б.) берилиши лозим.

Агар намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш учун бериладиган вазифада маълум туман қурилишига доир маълумотларни бериш имконияти бўлмаса, у ҳолда:

- ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати -15 °С ,
- шамол босими W_0 =0,45 кПа (45 кгк/кв.м),
- қор қатлами вазни S_0 =0,5 кПа (50 кгк/кв.м),
- ер рельефи текис,
- ер ости сувлари йўқ,
- грунтлар кўпчимайди, чўкмайди;
- меъёрий характеристикалари қуйидигича:
- меъёрий ички ишқаланиш бурчаги $\varphi_н$ =0,42 рад ёки 24°;
- меъёрий солиштирма ёпишиш Сн=13 кПа (0,13 кгк/кв.см);
- грунтларнинг деформация модули Е=16,0 мПа (160 кгк/кв.см);
- грунтнинг зичлиги γ=18 кН/куб.м (1,8 тк/куб м);
- грунт буйича ишончлилик коэфициенти $\gamma_д$=1, деб олинади.

2.4. Намунавий лойиҳавий ҳужжатларини ишлаш бўйича бериладиган вазифада зарурий ҳолларда,мазкур Йўриқноманинг 1.6 бандига мувофиқ, вариантлар ишлашга доир талаблар белгиланади.

2.5. Намунавий лойиҳавий ҳужжатини ишлаш учун бериладиган вазифа-топшириқ, мазкур Йўриқноманинг 4.3 бандида кел.ирилган тартиб асосида тасдикланади.

3 НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАВИЙ ҲУЖЖАТИНИНГ ТАРКИБИ ВА УНИ ИШЛАШ ТАРТИБИ

3.1 Мазкур қисмда намунавий лойиҳавий ҳужжатига қўйиладиган талаблар унинг ҳажми ва келтириладиган маълумотларининг таркиби энг

кўп даражада булишини назарда тутади, чунки лойиҳавий хужжати объектнинг хусусиятига қараб, буюртмачи томонидан равшанлаштирилиши ва қисқартирилиши мумкин; шунда мутахассислар текшируви ва тасдиқлаш учун бериладиган хужжатнинг хажми мазкур йўриқноманинг 1.7 бандига мос келади.

Мутахассислар текшируви ва тасдиқлаш учун тақдим этиладиган хужжатлар таркибида қурилиш конструкциялари, ускуналар, қурилишмонтаж ишлари хажми, моддий ва бошқа ресурсларга булган талаблар хисоби киритилмайди. Санаб утилган материаллар лойиҳавий ташкилотида сақланади ва буюртмачининг талабига кура унга вақтинча фойдаланиш учун берилиши мумкин.

3.2 Лойиҳа материаллари ва техникавий ечимлар қабул қилинган лойиҳавий ечимини тавсифлаш ва асослаши лозим, келтирилган курсаткичлар ва якуний хисоб натижалари жадвал куринишида берилиши керак.

ЛОЙИХА

3.3 Намунавий лойиҳавий ва намунавий лойиҳавий ечимлари қуйидаги қисмлардан ташкил топиши лозим:

а) умумий изоҳнома қуйидагиларни ўз ичига олади: лойилаштириш учун дастлабки маълумотлар;намунавий лойиҳавийларнинг қўлланиш соҳаси; объектнинг қисқача тавсифи; объектнинг лойиҳавий қуввати хақида маълумот; маҳсулотнинг номенклатураси,сифати ва техникавий даражаси хақида маълумотлар; ёқилги,сув, иссиқлик ва электр энергияси, меҳнат ресурсларига булган талаб хақида маълумотлар; бажарилган иқтисодий хисоблар натижалари ва лойиҳада келтирилган техник - иқтисодий курсаткичлар баҳоси, шунингдек ушбу курсаткичларни ватанимиз ва чет элдаги энг яхши объектлар билан таққослаш натижалари; ишлаб чиқариш иқтисоди ва лойиҳавийда фан ва техника ютуқларидан фойдаланганлик хақида маълумотлар; қабул қилинган ечимлар юзасидан олиб борилган келишувлар ва меъёрлар, коидалар, йўриқномалар, давлат стандартлари талабларига, шу жумладан портлаш ва ёнғин хавфсизлиги меъёрларига амал қилишлик хақидаги маълумотлар; бош план, ички майдон транспорти, муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари тарҳларининг асосий ечимлари хақида маълумотлар; фуқаролар мухофазаси тадбирлари; қурилишни самарали ташкил этиш хақида тавсиялар, намунавий лойиҳа хужжатини амалда қўлланиш муддати.

Изоҳномада яна ер ости бойликларидан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан, иккиламчи энергия ресурсларидан комплекс ва самарали фойдаланишга йўналтирилган асосий ечимлар хақида, шунингдек меҳнат моддий ва энергетик ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш тўғрисида маълумотлар; маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиш, бунед этилаётган қувват бирлигига булган солиштирма харажат курсаткичлари хамда уларни ватанимиз ва чет эллардаги энг яхши объектлар билан, шунингдек намунавий лойиҳа хужжатини ишлаш учун берилган вазифа курсаткичлари билан таққослаш натижалари баён этилиши зарур.

Изоҳнома ўз таркибига атроф табиат муҳитини мухофаза қилишга доир чора тадбирлар, оқар сувлар миқдори ва таркиби, ишлаб чиқариш чиқиндилари, шунингдек кўзда тутилаётган чоратадбирлар ва лойиҳавийлаштирилаётган иншоотларнинг самарадорлиги хақидаги маълумотларни қамраб олади.

Изоҳномага қушиб бериладиган асосий чизма - бинолар, шунингдек ички майдон йўллари, трасс коммуникациялар, ободончилик ва кўкаламлаштириш объектларининг оптимал жойлашувини ўзида акс эттирган бош план тарҳидир.

б) технологик ечимлар қуйидагилардан ташкил топади маҳсулот

ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш бўйича ҳисобий дастур, ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулот тайёрлашнинг меҳнатталаблиги ва асбоб-талаблиги, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг қисқача тавсифи ва ечимларни асослаш, буларни ватанимиз ва чет эл илғор техникавий ечимлари билан таққослаш натижалари; маҳсулот сифатини текширишга доир таклифлар; танланган ускуналар таркиби ва уларнинг прогрессивлиги баҳоси ҳамда ишлатилиши кўрсаткичлар; цех ва цехлараро коммуникацияларнинг тавсифи; ишчилар сонини асослаш (ушбу маълумотлар яхлит корхона ва алоҳида цехлар бўйича келтирилади); иссиқлик ва электр таъминоти,электр жиҳозлари,электр асбобларидан фойдаланиш усуллари; агар намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш учун берилган вазифада замонавий ҳисоблаш техникаси базасида автоматлаштирилган бошқарув тизими билан қуролланган янги технологик жараёнлар кўзда тутилган бўлса, автоматлаштирилган технологик жараёнлар бўйича ечимлар; атроф табиат муҳитини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари; таъмирлаш ҳўжалигини ташкил этишга доир ечимлар; ишлаб чиқаришдаги қаттиқ, суюқ ва газсимон чиқиндиларни ҳисобга олганда технологик жараёндаги иссиқлик-энергетика ва моддий баланслар; чиқиндиларнинг ҳар қайсисидан тўлароқ фойдаланишга доир ечимлар; асосий чизмалар - технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни механизациялашнинг принципиал тархи(схемалари); йирик ускуналар ва транспорт воситалари жойлашувини ўзида акс этдирган корпуслар (цехлар) бўйича технологик жойлаштириш; юк оқимлари тархи; вазифавий тузилиш тархи; ташкилий тузилиш тархи; техника воситалари комплекси тузилишинг тархи; технологик жараёнларни автоматлаштириш тархи; (майдон ичкарисида) электр ва иссиқлик билан таъминлашнинг принципиал тархи; (майдон ичкарисида) алоқа ва сигналларни ташкил этиш тархи; в) қурилиш ечимлари қуйилагилардан ташкил топади: ҳар бир бино ва иншоот бўйича асосий архитектура-қурилиш ечимининг қисқача изоҳи ва асосномаси,ечимларнинг прогрессивлиги баҳоси; иш ўринларини ёритиш,ишлаб чиқариш шовқини ва тебранишларинипасайтириш,ишчиларга санитар ва маиший хизмат кўрсатишнинг принципиал ечимларининг асосномаси; электр, портлаш ва ёнғин хавфидан сақланиш чоралари,қурилиш конструкцияларини коррозиядан муҳофаза қилиш; сув билан таъминлаш, канализация, иситиш, ҳаво вентиляцияси ва муътадиллаштириш бўйича асосий ечимлар; фуқаролар мудофааси объектлари бўйича ечимлар (белгиланган тартибда расмийлаштирилади); қурилишни ташкил этишнинг асосий қоидалари, асосий чизмалар - асосий юк кўтарувчи ва ўсувчи конструкцияларнинг схематик тасвири кўрсатилган бино ва иншоотларнинг тархлари ва киркимлари,бино фасадлари; қурилиш конструкцияларини коррозиядан сақлашга доир (эскиз) қоралама ечимлар.

Эслатма Иситиш, ҳаво вентиляцияси ва уни мутадиллаштириш системаси мураккаб бўлган ишлаб чиқариш бинолари учун, кўрсатилган системаларни акс эттирган ҳолда тарх(план) ва киркимлар, шунингдек водопровод ва канализация асосий иншоотларининг тархи ва киркими ҳамда тармоқ ва иншоотларнинг коррзияга қарши қоралама ечимларини ишлашга рухсат этилади.

Намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш учун берилган топшириқда кўзда тутилган ҳолларда иъморий-фазовий ечим (макет) еки бошқа намойиш материаллари ҳам тақдим этилади.

3) смета ҳужжатлари - мазкур йўриқноманинг 3.8. бандида кўрсатилган таркиб ва ҳажмда ишланади.

Лойиҳада (унинг тегишли қисмларида) якка тартибда ишланадиган ускуналар учун дастлабки талаблар келтирилиши лозим, но намунавий ва ностандарт ускуналар ҳам шулар жумласидандир.

Турар жой, жамоат биноси ва иншоотнинг намунавий лойиҳа таркиби мазкур Йўриқноманинг 4- иловасида келтирилган.

ИШЧИ ХУЖЖАТЛАР

3.4 Намунавий лойиҳалар, намунавий лойиҳавий ечимлари таркиби қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

-изоҳнома, ишчи чизмалар, ускуналар рўйхати, материалларга бўлган талаблар ведомости;

-мазкур йўриқноманинг 3.8. бандига мувофиқ равишда тузилган сметалар;

"Методические указания по составлению и оформлению каталожных листов на типовую проектную документацию для строительства" номли услубий кўрсатма асосида тайёрланган каталог варағи.

Ишчи ҳужжатларни тайёрлашда лойиҳа ташкилоти тасдиқланган лойиҳада қабул қилинган технологик, архитектура - қурилиш ва бошқа ечимларни охирига етказиши ва конкретлаштириши лозим.

ИШЧИ ЛОЙИҲА

3.5 Намунавий лойиҳа ва намунавий лойиҳавий ечимлари қабул қилинган ечимлар ҳақида қисқача маълумот берувчи изоҳномадан умумий ва (мазкур йўриқномнинг 3.4 бандига мувофиқ бажариладиган) ишчи ҳужжатлардан ташкил топиши лозим.

ТЕХНИКАВИЙ ЕЧИМЛАР

3.6 Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг техникавий ечимлари таркибига қуйидагилар киради:

а) лойиҳалаштириш учун дастлабки маълумотлар, ўхшаш конструкциялар, буюмлар ва тугунларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва қўллаш бўйича мавжуд тажрибалар ҳақида қисқача маълумотларни ўз ичига олган изоҳнома; ҳисоблаш тархлари, катталиклар ва ҳисобий юклар жамламаси ва уларнинг асосномаси; конструктив ечим вариантларининг қисқача тавсифи ва қабул қилинган вариантнинг асосномаси; конструкция ва буюмларнинг (асосий ўлчамлари, массаси, материал сарфи курсатилган)номенклатураси ва қўлланиш соҳаси; конструкция ва буюмларни тайёрлаш, тахлаш, ташиш ва монтаж қилиш усуллари,уларни коррозиядан ҳимоя қилиш, ўтга чидамлилигини таъминлаш ҳақида қисқача баённома; асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар (шу жумладан тайёрлаш меҳнатталаблиги ва монтаж буйича ва уларни ўхшаш кўрсаткичлар билан таққослаш;

б) асосий чизмалар - жойлаштириш тархлари, конструкция, буюм, тугунлар, уларнинг асосий таркибий қисмлари, туташув тугунларининг умумий кўриниши чизмалари, йигма чизмалардан ташқари, лойиҳавий ечимига баҳо бериш учун зарур бўлган бошқа чизмалар.

Техникавий ечимлар, буюртмачи томонидан маъқулланғандан кейин,намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг ишчи чизмаларини тайёрлашда асос хисобланади.

ИШЧИ ЧИЗМАЛАР

3.7 Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг ишчи чизмалари таркиби,уларни комплектлаш ва расмий-

лаштириш давлат стандартлари талабига мувофиқ бўлиши лозим.

Оммавий ишлаб чиқаришга мўлжалланган қурилиш конструкциялари ва буюмларининг ишчи чизмаларини тайёрлаш билан бир вақтда, зарур бўлса,техникавий шартлар ҳам тузилади.

СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ

3.8 Намунавий лойиҳавий ёки намунавий лойиҳавий ечими таркибида ишланадиган смета ҳужжатлари қуйидаги мақсадларга хизмат қилади: лойиҳалаштирилаётган корхона, бино ва иншоотларнинг техник - иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва унга баҳо бериш; йириклаштирилган смета меъёрларини ишлаш; қурилишнинг смета қийматини 1991 йил нархлари даражасида лойиҳани маҳаллий шароитга боғлаган ҳолда аниқлаш; қурилиш қийматини ҳозирги нархларда аниқлаш(келишилган нархлар).

Смета нархлари қуйидаги жараёнларда аниқланади: ишчи ҳужжат ва ишчи лойиҳани тузиш жараёнида- иш чизмалари ва шунга мослашган йириклаштирилган нархлар, булар бўлмаганда ускуналар монтажига доир бирлик нархлар ва нарх кўрсаткичлар асосида тузилган сметалар бўйича аниқланади; лойиҳани ишлашда - ўхшаш объектларнинг нархлари, йириклаштирилган смета меъёрлари, йириклаштирилган нархлар, йириклаштирилган қурилиш қиймати кўрсаткичлари (ЙҚҚК) ва ўхшаш объектларнинг қиймат кўрсаткичлари бўйича аниқланади, бунда смета ҳисобларида аниқланган қийматга кўзда тутилмаган ишлар учун 5% қўшимча сумма ёзилади.

Бино ва иншоотларнинг лойиҳа босқичида тасдиқланган смета қиймати ишчи ҳужжатларни тайёрлашда чегара ҳисобланади. Намунавий лойиҳаларнинг смета ҳужжатлари "Методические рекомендации по определению сметной стоимости строительствав республике Узбекистан" номли тавсиянома қоидалари асосида тайёрланади.

Қурилишнинг бирор конкрет ҳудуди учун ишланаётган корхона, бино ва иншоотнинг намунавий лойиҳадаги смета қиймати, лойиҳалаштиришнинг барча босқичларида маҳаллий нархларда ҳисобланади.

Агар намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш учун берилган вазифада қурилишнинг конкрет ҳудуди кўрсатилмаган бўлса, смета қиймати базис нархларда аниқланади.

Базис сифатида Тошкент шаҳридаги нархлар қабул қилинади.

Намунавий лойиҳалар учун базис нархларда смета тузишда маҳаллий материаллар учун смета нархлари Ўзбекистон Республикаси Даваархитектқурилишқўми тасдиқлаган маҳаллий қурилиш материаллари, бетон ва темир-бетон буюмларнинг смета нархлари тўплами асосида қабул қилинади.

Ускуналар қийматини аниқлашда йўл ва омборхона харажатлари ҳам ҳисобга олинади.

Устама харажатлар фоизларда ҳисобланади: умум қурилиш ишлари учун -18,2; шу жумладан, йирик панелли ва ҳажмий блокли уй-жойларнинг ер усти қисми учун -14,6; монтаж ва махсус ишлар учун - белгиланган тартибда тасдиқланадиган, ягона чегаравий меъёрлар бўйича; режавий жамғармалар - 18,0 (тўғри харажат ва устама буромадга нисбатан).

Эслатма- Умум қурилиш ишларига устама харажатлар миқдори шартли равишда қабул қилинган, намунавий лойиҳаларни маҳаллий шароитга мослаштирганда аниқлик киритилади.

Намунавий лойиҳаларнинг сметалари қуйидаги иш турлари ва харажатлар:умум қурилиш (бинонинг ер ости ва ер устки қисмлари), санитар-техника, электр монтаж ишлари, алоқа,сигналлаштириш, автоматика, ускуналарни олиш ва ўрнатиш, ишлаб чиқариш, хўжалик жиҳозлари ва

мебель учун алоҳида равишда тузилиши лозим.

Алоҳида иш турларини сметалар, шунингдек ишчи чизмаларга кўра тузиладиган сметанинг алоҳида қисмлари бўйича тарқатиш, қурилишни ихтисослаштириш талабларини қондириши ва намунавий лойиҳани қурилиш шароитига боғлаганда смета қийматини аниқлаш имконини бериши зарур.

Агар намунавий лойиҳа конструктив ечим ва пардозлаш тури бўйича ҳар хил вариантлардан ташкил топган бўлса, бу вариантлар учун қабул қилинадиган ишнинг таркиби,ҳажми ва қиймати,шунингдек, смета меъёрлари шифри ва тартиб рақами ҳамда бирлик нархлар, ишчи чизмалар асосида тузиладиган сметаларда келтирилади.

Намунавий лойиҳа ечимларининг смета ҳужжатлари, уларни ишлаш учун берилган топшириқда кўрсатилган ҳажмда бажарилади.

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари учун смета ҳужжати тузилмайди.

АЛОҲИДА ТАЛАБЛАР

3.9 Намунавий лойиҳавий ҳужжатлари таркибига ЭҲМнинг дастурий воситалари ва булар учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Булар намунавий лойиҳавий ҳужжатларини шароитга боғлаш ва таҳрир қилишда, лойиҳавий ишларида автоматлаштириш воситаларини қўллашни таъминлаш ёки бирмунча енгиллаштириш имконини беради.

3.10. Лойиҳа материалларига (ишчи лойиҳага) ва ишчи ҳужжатларга қуйидагилар имзо қўяди:умумий изоҳномаиниг титул варағига, шунингдек барча альбом ва тўпламларига - институт директори ёки бош муҳандиси(архитектори), лойиҳавийнинг бош муҳандиси(архитектори), бош план тарҳига булардан ташқари - бўлим бошлиғи ва ижрочи; бошқа материалларга- лойиҳанинг бош муҳандиси(архитектори), бўлим бошлиғи, меъёр тафтишчиси ва ижрочи; смета ҳужжатларига- шу ҳужжатларга масъул шахслар имзо чекадилар.

Техник ечимлар ва ишчи чизмаларга имзо чекувчилар: ҳар бир альбомнинг титул варағига - институт директори ёки бош муҳандиси(архитектори), етакчи лойиҳа ташкилоти ва ҳамижрочи лойиҳа ташкилотларидан лойиҳанинг бош муҳандислари(архитекторлари); лойиҳани тайёрлашда иштирок этган илмий тадқиқод институтининг директори ёки унинг муовини,лаборатория раҳбари; бошқа материалларга- лойиҳавийнинг бош муҳандиси(архитектори), бўлим бошлиғи ва ижрочилар имзо қўядилар.

3.11. Намунавий лойиҳавий ҳужжатлари буюртмачига, етакчи лойиҳа ташкилотининг раҳбари имзо чеккан,кузатув хати билан бирга тақдим этилади.

3.12. Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимларини, уларга қурилиш каталогида белги қуйиб,Ўзбекистон Республикаси Даварҳитектқурилишқуми фондига қабул қилади ёки қўмита топшириғи билан бу ишни бирорта лойиҳа (илмий тадқиқод) институти бажаради. Етакчи лойиҳа ташкилоти бу институтга намунавий лойиҳа ва бошқа ҳужжатлардан нусха кучириб топширади.

Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимлари фондига қабул қилинган, Даварҳитектқурилишқуми уларни кучга кирганлигини ўзининг ахборотида маълум қилади.

3.13. Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг ишчи чизмаларини етакчи лойиҳа ташкилоти кўриб чиқиш ва тасдиклаш учун тасдикловчи идорага топширади.

Тасдиклашдан илгари Даварҳитектқурилишқуми унга қурилиш

конструкциялари рубрикатори бўйи-

Мутахассислар текшируви натижаларига қараб тасдиқловчи идора намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг ишчи чизмаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш заруриятини, тўғрилаш муддатини белгилайди, зарур бўлган ҳолларда бунинг учун талаб этилган маблағни аниқлайди.

Камчиликлар тугатилгандан кейин ҳужжат тасдиқланади.

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари тасдиқдан ўтгандан кейин фондга қабул қилинади ва уларнинг ишга тушганлиги ҳақидаги маълумот Давархитектқурилишқўми ахборотларида эълон қилинади.

4 НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ КЕЛИШУВИ, МУТАҲАСИС ТЕКШИРУВИ ВА ТАСДИҚЛАНИШИ

4.1 Меъёрлар, қоидалар, йўриқномалар ва давлат стандартларига мувофиқ равишда ишланган намунавий лойиҳалар (намунавий лойиҳавий ечимлари) давлат назорат органлари билан келишувдан ўтмайди.

Тасдиқланган лойиҳага мувофиқ равишда, ишчи ҳужжатлар таркибида ишланган ишчи чизмалари ҳам келишувдан ўтмайди.

Амалдаги меъёрлар, қоидалар ва йўриқномалардан асосли чекинишлар билан бажарилган ҳужжатлар, ана шу чекланилган қисм бўйича давлат назорат органлари ва ўша меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаган ташкилотлар билан келишувдан ўтади. Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимлари бўйича давлат назорат органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан келишув ҳужжат келишувига топширилган 15 кун, айрим ҳолларда 30 кун мобайнида кўриб чиқилиши лозим.

4.2 Намунавий лойиҳа ҳужжатлари, тасдиқловчи идора тамонидан Давархитектурқурилишқўми ўрнатган ча хос белги беради.
тартиб бўйича, мутахасислар текширувидан ўтгандан кейин тасдиққа берилади.

Намунавий лойиҳалар ва намунавий лойиҳавий ечимлари "лойиҳа" (ишчи лойиҳа)боскичда ва намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларнинг чизмалари " ишчи чизмалар " боскичда тасдиқланади.

4.3 Намунавий лойиҳа ҳужжатларнинг тасдиқланиши:

а) умум Республика миқёсида қўлланиладиган корхоналар, бинолар, иншоатлар, уй-жой ва фуқоро объектларининг намунавий лойиҳавий ечимлари, шунингдек намунавий қурилиш конструкциялари, буюлари ва тугунларининг чизмалари-Давархитектқурилишқўми тамонидан гасдиқланади;

б) қурилишнинг иқтисослаштирилган турларига мўлжалланган намунавий лойиҳалар (мазкур бандниг "а" пунктида кўрсатилаганидан ташқари), намунавий лойиҳавий ечимлари, намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунларининг чизмалари-буюртмачи идоралар тамонидан тасдиқланади.

Намунавий лойиҳа ҳужжатларни тасдиқлайдиган идоралар лойиҳалаштириш объектларининг йиллик рўйхатида қайд этилади.

4.4 Намунавий лойиҳавий ҳужжати идоранинг қарори, буюруги ёки гротоколи билан тасдиқланиб, унда 5- иловада келтирилган маълумотлар кўрсатилади.

5 НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАВИЙ ҲУЖЖАТИНИ НАШР ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ, ЭСКИРГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ

5.1 Фондга қабул қилинган намунавий лойиҳавий ҳужжатн шу ҳужжат муаллифи бўлган лойиҳавий ташкилоти тамонидан нашр этилади ва тарқатилади. Намунавий лойиҳа

ҳужжатларни тарқатувчи лойиҳа ташкилотлари уни нашр этиш сифати ва муддатига ҳамда тарқатилишига маъсулдирлар.

5.2 Намунавий лойиҳавий ҳужжатларни нашр этилиши тарқатилиши ташкилотлардан олдиндан тушган ва жорий буюртмаларга кўра амалга оширилади.

5.3 Буюртмачилар ва лойиҳа ижрочилари ўзлари ишлаган намунавий лойиҳани капитал қурилиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларда рўй берган ўзгаришларни ҳамда қурилиш техналогияси, ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларни такомиллашиб боришини ҳисобга олиш мақсадида мунтазам равишда кўриб боришлари зарур.

5.4 Эскирган лойиҳавий ҳужжатни бекор қилиш ёки уни ҳаракат муддатини узайтириш масаласини шу ҳужжатни тасдиқлаган идоралар ҳал этади; бу ҳақдаги маълумот Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқуми ахборотларида эълон қилинади.

6 НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАВИЙ ҲУЖЖАТИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

6.1 Қўлланиладиган корхона, бино ва иншоатларнинг намунавий лойиҳалари (намунавий лойиҳавий ечимлари) қурилиш майдони ва тумани хусусятларини ҳисобга олган ҳолда конкрет қурилиш майдонига боғланган бўлиши лозим.

Намунавий лойиҳалар (намунавий лойиҳавий ечимлари) қурилиш учун ишчи ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида боғланади(привязка).

Қурилиш лойиҳаси таркибида намунавий лойиҳаларни(намунавий лойиҳа ечнмларини) қуллаш учун танлаб олинган каталог варақалари келтирилади.

6.2 Намунавий лойиҳавийни (намунавий лойиҳавий ечимларини) боғлашда лойиҳа ташкилотлари: бино ва иншоат қисмларини координатлари ва белгиларни аниқлашлари; пойдеворларнинг ўлчамлари, чуқурлиги ва конструктив ечимларини аниқлашлари, қурилиш майдонининг гидрогеологик шароитига қараб, қўшимча конструктив чоратадбирлари ишлашлари; бинонинг цоколь ёки ертўла қаватлари ечимини аниқлашлари, шунингдек қурилиш майдончасининг рельефига қараб, тонель, галерея ва бошқа шу каби иншоатларни туташув тугунларини ҳал этишлари; қурилиш туманининг иқлимий шароитидан келиб чиққан ҳолда тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик ўтказишга қаршилигини меъёрий талабларга мувофиқлигини текширишлари ҳамда зарур бўлса тўсувчи ва юк кўтарувчи қурилиш конструкцияларнинг қабул қилинган ечимларини, шунингдек иситиш асбоблари ва вентиляция ускуналарининг тури ва сонини ойдинлаштиришлари; маҳаллий шароитни эътиборга олган ҳолда ишлар ҳажмини ва қурилишнинг смета қийматини қайта аниқлашлари лозим.

6.3 Лойиҳа ташкилотлари боғлаш (привязка) ишларини амалга оширишдан ташқари, зарур бўлган ҳолларда, кўзда тутилган ускуналар, конструкциялар ва буюмлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланганда, шунингдек меъёрий ҳужжатлардаги қоида ва талаблар ўзгаганда намунавий лойиҳалар (намунавий лойиҳа ечимларига) зарурий ўзгартиришларни киритишлари лозим.

6.4 Лойиҳа ташкилотлари намунавий лойиҳалар(намунавий лойиҳачилари) асосида тайёрлананган ҳужжатларни сифатига ва унинг замонавий фан ва техника даражасига лоиҳалаштирилган меъёр ва талабларига, стандартларга (хавфсизлик техникаси ҳамда портлаш техникаси ва ёнғиндан сақланиш талабларига мувофиқ экалигига жавобгардирлар.

6.5 Бино ва иншоотлар қурилишнинг ишчи чизмаларида фойдаланилган намунавий қурилиш кон-

струкциялари, буюмлари ва тугунларнга ҳаволалар қилиниши лозим.

Агар қўлланиш шароитига кўра намунавий буюмларнинг ишчи чизмаларига ўзгаришлар киритиш лозим бўлса (масалан,қўшимча қўйилма деталлар ўрнатиш кўзда тутилса), у ҳолда қурилиш объектининг ишчи ҳужжатлари таркибида қушимча ва ўзгартиришлар акс эттирилган чизмалар ва қўлланилган намунавий буюмлар рўйхати мавжуд бўлиши керак.

Ўзгартирилган буюмларга қўлланилган намунавий буюм маркаси берилади, фақат унга харфий ёки ракамли индекс қўйилади.

6.6 Корхона, бино ва иншоотларнинг боғланган лойиҳа ҳужжатлари буйича қурилиши, уни бекор қилинишидан бир йил ўтмасдан бошланиши лозим.

Бекор қилинганлиги тўғрисидаги хабардан сўнг олти ой ўтгач, лойиҳавий ҳужжати боғлаш ҳуқуки бўлмаган лойиҳалаштиришда фақат ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тарқатилади. Бунда индивидуал лойиҳавий ишлашда бекор қилинган лойиҳанинг бирор материалидан фойдаланиш ёки унинг материалларига ҳавола қилиш рухсат этилмайди.

Алохида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишқўмининг рухсати билан бекор қилинган лойиҳа боғланиши мумкин

1 ИЛОВА
Тавсия этилади

Ишлаб чиқариш корхоналари, бинолар ва иншоотларининг намунавий лойиҳаларини (намунавий лойиҳавий ечимларини) ишлаш учун бериладиган вазифанинг умумий талаблари

Намунавий лойиҳа (намунавий лойиҳавий ечими)ни ишлаш учун бериладиган вазифа-топшириқ мазкур йўриқнома қоидаларига мувофиқ равишда тузилиб, қуйидаги дастлабки маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

1. Намунавий лойиҳавийнинг (намунавий лойиҳавий ечимининг) тулиқ номи.

2. Ишлаш учун асос.

3. Етакчи лойиҳавий ташкилотиниг ва бу ишда қатнашадиган бошқа лойиҳа

ташкилотларининг номи, булар орасидаги иш таксимоти.

4. Иш босқичлари.

5. Тасдиқ учун топшириш муддати ва тасдиқлайдиган идораниинг номи.

6. Объектнинг вазифаси, таркиби ва асосий тавсифлари: қуввати, сиғими, утказиш қобилияти ёки бошқа курсаткичлари, номенклатураси ва махсулот ишлаб чиқариш ҳажми, унинг сифатига қуйиладиган талаблар.

7. Технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулига оид талаблар.

8. Хом ашё ва ёқилғи тавсифлари

9. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда қўл мехнатини камайтиришга оид талаблар.

10. Саноат сувларини тозалаш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини нейтраллаш, иккламчи энергия ресурларидан фойдаланиш ҳамда атроф табиат муҳитини мухофаза қилишга оид талаблар.

11. Қурилиш ва фойдаланиш шароитлари (шу жумладан иқлим ва грунт шароитлари, ҳарорат-намлик режими ва ҳоналардаги ҳаво тозалигига товуш босими даражаси ва бошқа қўйиладиган талаблар).

12. Энергия таъминоти, газ таъминоти, иссиқлик таъминоти (иссиқлик ташувчининг тури, параметрлари, киймати), сув таъминоти ва канализация шароитлари

13. Технология, ускуналар, қурилиш конструкциялари ва материаллари соҳасидаги илмий-техника ютукларидан фойдаланишга оид вазифа

14. Лойиҳалаштирилаетган корхона, бино ва иншоотларнинг асосий техник-иқтисодий курсаткичларига оид вазифа

15. Меъморий-бадиий, ҳажмий-режавий ечимларга қўйиладиган талаблар, блоклаштириш шароитлари(бино, иншоат, корхоналарнинг тегишли турлари учун).

Конструкциялар, бинолар ва параметрларни бир ҳиллаштириш буйича курсатмалар. Конструктив ечим, йиғма конструкция элементларининг чегаравий массаси, юк кутарувчи ва тусувчи конструкцияларнинг материали ва пардозлашга оид талаблар.

16. Смета кийматини ҳисоблашга оид шартлар.

17. Намунавий лойиҳа (намунавий лойиҳа ечими) ёки унинг алоҳида қисмларини, шунингдек алоҳида ечимларини танлов асосида ишлаш талаблари.

18. Алоҳида лойиҳавий ечимларини манфаатдор идора ва ташкилотлар билан олдиндан келишиш зарурлиги тўғ[illegible]ида курсатмалар.

19. Буюртмачи томонидан етакчи лойиҳавий ташкилотига ва етакчи лойиҳа ташкилоти ҳамжрочи лойиҳавий ташкилотига берадиган

қўшимча дастлабки маълумотларнинг таркиби.

20. Ишнинг махсус шартлари, шу жумладан фуқоролар мудофаза тадбирлари, табиий ва техноген характерга эга бўлган фавқулодда ҳолатларга қўйиладиган талаблар.

2 ИЛОВА
Тавсия этилади

Уй-жой, жамоат бинолари ва иншоотлар намунавий лойиҳаларини (намунавий лойиҳавий ечимларини) ишлаш учун бериладиган вазифанинг мазмунига бўлган умумий талаблари

Намунавий лойиҳани ишлаш учун бериладиган вазифа мазкур йўриқноманинг 2 қисмига мувофиқ равишда тузилиб, қуйдагиларни ўз ичига олиши лозим:

1. Намунавий лойиҳа (намунавий лойиҳавий ечими)нинг тўлиқ номи.

2. Ишлаш учун асос.

3. Лойиҳа ташкилотининг номи.

4. Иш босқичлари.

5. Қурилиш-иқлим туманлари ва шартли қурилиш тумани ҳақида маълумотлар акс эттирилган намунавий ишчи ҳужжатнинг қўлланиш соҳаси.

6. Бино ва иншоотларнинг шаҳарсозликдаги ўрни.

Уй-жойларнинг хиллари (қаватлар, блок-қисмлар сони ва ҳ.к), уй-жой биноларига қўшиб қурилган жамоат хизмат кўрсатиш корхоналарининг вазифаси ва хиллари, уларнинг ҳисобий қуввати, ҳажми, қабул қилиш имконияти.

Жамоат биноларининг вазифаси ва хиллари, улрнинг ҳисобий қуввати, ҳажми ёки қабул қилиш имконияти, хоналарнинг таркиби ва майдонлари, биноларинг ишчи майдони ва қурилиш ҳажми.

7. Бино ва иншоотларнинг меъморий-режавий ечимига ҳамда блокларга ажратиш шартларига қўйиладиган асосий талаблар.

8. Тавсия этиладиган хонадон нусҳалари ва уларнинг аҳоли демографик таркиби ҳамда қурилиш туманига мос нисбатлари.

9. Юк кўтарувчи ва тусувчи конструкцияларнинг пардозига; муҳандислик ва техналогик асбоб-ускуналарига қўйиладиган асосий талаблар.

10. Ногиронларнинг яшаш шароитини таъминлашга доир талаблар.

11. Экалогик шароит ва талаблар.

12. Қурилишнинг смета нархини аниқлашга доир кўрсатмалар ва лойиҳанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.

13. Лойиҳа ечими вариантларини ишлаш; (жамоат бинолари учун) манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан лойиҳавий ечимини келишиш; лойиҳа (ишчи лойиҳа) таркибига қўшимча ҳужжатлар (кўргазмали материал) тайёрлаш зарурлиги ҳақида кўрсатмалар.

14. Фуқоро мудофааси тадбирларига доир талаблар.

3 ИЛОВА
Тавсия этилади

Бино ва иншоотлар намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунлари чизмаларини тайёрлаш учун бериладиган топшириқнинг мазмунига қўйидиган умумий талаблар

Намунавий қурилиш конструкциялари, буюмлари ва тугунлари чизмаларини тайёрлаш учун бериладиган топшириқ мазкур йўриқноманинг 2 кисмига мувофиқ равишда тузилиб, қуйдагиларни ўз ичига олиши лозим:

1. Ишланадиган чизмаларнинг тўлиқ номи.

2. Ишлаш учун асос.

3. Ишда қатнашувчи етакчи лойиҳавий ташкилоти, бошқа лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотларнинг номлари; улар орасида иш тақсимоти.

4. Иш босқичлари.

5. Конструкциянинг вазифаси, асосий тавсифи ва материаллари.

6. Ҳисоблаш ва конструкциялаш бўйича махсус кўрсатмалар.

7. Бирҳиллаштириш ва технологикликка доир талаблар, конструкцияларни тайёрлаш шароитлари.

8. Фойдаланиш, ташиш ва ўрнатиш шароитлари.

9. Техник-иқтисодий кўрсаткичлари.

10. Иш натижалари ва таркиби

11. Келтишувлар.

4 ИЛОВА
Тавсия этилади

Уй-жой, жамоат биноси ва иншоот намунавий лойиҳаси (намунавий лойиҳавий ечими)нинг намуна таркиби

I. Лойиҳа босқичи

1. Қуйдагиларни ўз ичига олувчи умумий изоҳнома: намунавий ҳужжатда кўзда тутилган шароитга мос қўлланиш сохаси; меъморий-режавий ва конструктив ечимлар, муҳандислик ва технологик асбоб-ускуналар, бинони пардозлаш ҳақида маълумотлар; (уй-жойлар учун) техник эксплотацияга доир кўрсатмалар; техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва бошқа маълумотлар.

2. Асосий чизмалар:

участка бош планининг шархи (М 1:500, 1:1000);

фасадлар, уй-жой биноларида (М 1:50, 1:100) мебелларни намунавий жойлаштирилган блок-секциялар планлар, қаватлар планлари (М 1:100, 1:200), характерли жойлар бўйича қирқимлар.

3. Система ҳужжатлари.

4. Қўшимча ҳужжатлар: кўргазма материаллари (буларнинг зарурати вазифа-топшириқда кўрсатилади).

II. Ишчи лойиҳавий босқичи

1. Қуйдагиларни ўз ичига олувчи умумий изоҳнома: намунавий ҳужжатда кўзда тутилган шароитга мос қўлланиш сохаси; меъморий -режавий ва конструктив ечимлар, муҳандивлик ва технологик асбоб-ускуналар, бинони пардозлаш ҳақида маълумотлар: (уй-жой бинолари, шунингдек II тип чўкувчи грунтларда қуриладиган жамоат бинолари учун) техникавий эксплотация тадбирлари ҳақида кўрсатмалар; техник-иқтисодий курсаткичлар ва бошқа маълумотлар.

2. Чизмалар: участка бош планининг шархи (М 1:500, 1:1000),фасадлар, уй-жой биноларида (М 1:50, 1:100) мебелларни намунавий жойлаштирилган блок-секциялар

планлари, каватлар планлари (М 1:100, 1:200), характерли жойлар буйича киркимлар.

3.Смета ҳужжатлари.

4. Қўшимча ҳужжатлар: кўргазма материаллари (буларнинг зарурати вазифа-топшириқда кўрсатилади).

Юқорида келтирилган лойиҳа-смета ҳужжатлари мутахассислар текшируви ва тасдиқлашга ҳавола этилади.

5. Ободонлаштириш объектлари ва кўкаламзорлаштириш участкалари акс эттирилган бош план тархи.

6. Бино ёки иншоатнинг ишчи ҳужжатлари асосий комплектлари: меъморий-қурилиш ечимлари(0.000 белгидан пастки ва устки қисмлари алоҳида равишда), (жамоат бинолари учун) технология, иситиш ва вентиляция, ички водопровод, канализация ва газ таъминоти, электр жиҳозлари, алоқа ва сигнал ускуналари, муҳандислик асбоблари тизимининг автоматизацияси (керак булганда) ва бошқа; индивидуаль қурилиш буюмлари ишчи чизмалари; эксплуатация бўйича техникавий ҳужжатлар; буюртма руйхатлари ва сурок вараклари(зарурат булса), нонамунавий конструкциялар ва бино, иншоатларнинг муҳандислик жиҳозлари қурилмасининг умумий кўриниши чизмалари.

5 ИЛОВА
Тавсия қилинади.

Корхона бино ва иншоотларнинг намунавий лойиҳасини (намунавий лойиҳавий ечимини) тасдиқлашга доир ҳужжатга киритиладиган, асосий маълумотлар ва техник-иқтисодий кўрсатчичларнинг намунавий таркиби

Маълумотлар ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар таркибига қуйдагилар киритилиши керак:

1. Корхона, бино, иншоатнинг номи.

2. Асосий техник-иқтисодий маълумотлар ва кўрсаткичлар (ўхшаш объектларга таққослаган ҳолда).

Қуввати (йиллик махсулот чиқариш ҳажми, сиғими, қабул қилиш имконияти, хизмат кўрсатиш ҳажми ва х.к), ҳисобий бирликларда ёки сумларда.

Хизмат қилувчи ходимлар сони, шу жумладан ишчилар сони (ишлаб чиқариш объектларида).

Умумий майдон (ишчи майдон, уй-жой ва жамоат бинолари учун фойдали майдон) кв.м; қурилиш майдони, кв.м; бинонинг қурилиш ҳажми, куб.м.

Смета қиймати (умумий), минг сум, қурилиш-монтаж ишлари ҳам шунга киради; ҳисобий бирликка умумий смета қиймати, сум.

Махсулот ҳисобий бирлигининг таннархи (ишлаб чиқариш объектлари учун), сум.

Меҳнат унумдорлиги (киши бошига йиллик махсулот ҳажми), минг сум.

Ҳисобий бирликка асосий энергия ресурслари (иссиқлик ва электр энергияси) сарфи.

Қурилишда меҳнат сарфи, одамсоат: ҳисобий бирлик учун; 1 млн сўм қурилиш монтаж ишлари учун.

Ҳисобий бирлик учун қурилиш материаллари (цемент, металл, ёғоч ашёлари) сарфи.

3. Ишчи ҳужжатларни тайёрлашга доир кўрсатмалар (зарурат булса).

4. Намунавий лойиҳа (намунавий лойиҳавий ечими)нинг қўлланиш муддати (зарурат булса).

МУНДАРИЖА

бет

1. Умумий қисм 1
2. Намунавий лойиҳа ҳужжатини ишлаш вазифаси(топшириғи)..... 4
3. Намунавий лойиҳа ҳужжатининг таркиби ва уни ишлаш тартиби 4
Лойиҳа 5
Ишчи ҳужжатлар..... 7
Ишчи лойиҳавий..... 7
Техникавий ечимлар 7
Ишчи чизмалар 7
Смета ҳужжатлари..... 8
Алоҳида талаблар 9
4. Намунавий лойиҳавий ҳужжатларининг келишуви.мутахассис текшируви ва тасдиқланиши..... 10
5. Намунавий лойиҳавий ҳужжатини нашр этиш ва тарқатиш. эскирган намунавий лойиҳавий ҳужжатини қайта кўриш ва бекор қилиш 10
6. Намунавий лойиҳавий ҳужжатининг қўлланиши..... 11
1-илова. Ишлаб чиқариш корхоналари, бинолари ва иншоотларининг намунавий лойиҳаларини(намунавий лойиҳа ечимларининг) ишлаш учун бериладиган топшириқнинг умумий талаблари..... 13
2-илова. Уй-жой, жамоат бинолари ва иншоотлар намунавий лойиҳалари (намунавий лойиҳа ечимлари) ишлаш учун бериладиган топшириқнинг мазмунига бўлган умумий талаблари 14
3-илова. Бино ва иншоотлар намунавий қурилиши конструкциялари, буюмлари ва тугунлари чизмаларини тайёрлаш учун бериладиган топшириқнинг мазмунига қўйиладиган умумий талаблар..... 14
4-илова. Уй-жой, жамоат биноси ва иншоотнамунавий лойиҳаси (намунавий лойиҳа ечими)нинг намуна таркиби..... 15
5-илова. Корхона, бино ва иншоотларнинг намунавий лойиҳасини (намунавий лойиҳа ечимини)тасдиқлашга доир ҳужжатга киритиладиган асосий маълумотлар ва техник-иқтисодий курсаткичларнинг намунавий таркиби..... 16

Таклиф ва мулохазаларингизни "Даваархитектқурилишқўм"нга қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

(700011. Тошкент шаҳри. Абай кўчаси. 6 уй)

Нашрга "Уз ЛИТТИ" АЖ ва "АҚАТМ" АТМ томонидан тайёрланган